

Киш кунларидан бири. Кундуз соат тўрт бўлганига карамай, кош корая бошлади. Кор калин ёгарди. Майда-майда кор зарралари узун хипчиндек шамол аралаш юзга жиз-жиз урилади. Кўчани олти дюйм калинликдаги совук ва юмшок оппок гилам коплаганди; файтон ва пиёдалар уни топтаб ташлашганди. Кор коплаган Бауэри-стрит бўйлаб ёкаларини кўтариб олган, шляпаларини кошларигача бостириб олган кишилар сангиб юришарди.

Ифлос бўлиб кетган тўрт каватли бино олдида бир тўда одамлар йигила бошлади. Аввалига икки-учтаси якинлашди; бироз бўлсада кизиш максатида оёқларини бир-бирига уриб тахта эшик олдида изгиша бошладилар. Улар хатто ичкарига киришга уриниб ҳам кўришмайди, факатгина гамгин безовталаниб у ёқдан бу ёқка тентираб юришар, кўлларини чўнтакка тикканча пиёдалар ва ёниб турган чирокларни зимдан кузатишар эди. Уларнинг орасида кўзлари киртайиб кетган оппок соқолли мўйсафидлар ҳам, кўринишидан ёш, лекин касалланганлар ҳам, ўрта ёшдагилар ҳам бор эди. Эшик олдидаги оломон кўпая боргани сари паст товушдаги гала-говур ҳам кучая борди. Бу сухбат эмас, балки тўхтовсиз норозиликлар эди. Норози овозлар, сўкишлар эшитила бошлади.

– Сал тез харакат килишса бўлармиди.

– Анави миршабни бақрайишини кара.

– Нима, хозир ёз деб ўйлашяптими?

– Пирда – Шимолий кутбда ҳам бундан кўра иссиқроқ.

Изгирин каттиқроқ савалай боргани сари одамлар бир-бирига зичроқ ёпишишади. Биров жahl ҳам, дўк пўписа ҳам килмайди. Бирон хазил ёки мулойим сўзни ҳам эшитмайсиз, факатгина огир кутиш.

Шу пайт кўчада автомобил ўтиб кетди, унинг ичидаги йўловчи ялпайиб ўтирарди.

– Буни ялпайиб кетишини кара! – деди кимдир эшик тагидан.

– Унга совук таъсир ҳам килмайди-да!

– Хой, хой! – яна кимдир кичкириб югурди, бироқ автомобил аллақачон кетиб бўлган, ичидаги йўловчи уни эшитмасди.

Аста-секин кеч туша бошлади. Ўткинчи пиёдалар уйларига шошишар, оломон эса хали ҳам эшик тагида хеч қаёққа силжймай турарди.

– Эшикни очишадими ўзи ё йўқми? – жанжал чикармоқчидай хирилдок овоз янгради.

Харакатга келган оломон ёпик эшик томон силжий бошлади: барчанинг нигохи эшикка кадалганди. Оломоннинг кўзида тилсиз жониворларникидай маъюслик: эшик туткичи буралиб очилармикин? Улар огирликларини гох у, гох бу оёқларига ташлашар, совукдан кўзлари кисилган, нималардир деб тўнгиллашар, сўқинишар эди. Уларнинг барчалари кутишар, кор эса хамон бўралаб ёгар, савалар эди.

Бино ичида чирок ёнди ва эшик тепасидаги ойнада унинг хира шуъласи пайдо бўлди.

Оломон бирдан жонланди. Кор янада калин ёгар, эскирган шляпаларда, озгин елкаларда тўпланар эди, биров уни кокиб туширмасди ҳам. Эшик олдида тўпланиб турган одамлар чикарган бугдан кор эрир, шляпадан бурун ва юзга томчиларди, аммо бундай тикилинчда кўлингни кўтариб юзингни артолмайсан. Оломон чети сийраклигидан у ерда кор эримасди. Орага сукила олмаганлар кунишиб чеккада туришарди.

Нихоят, зулфиннинг гичирлагани эшилди. Оломон хушёр тортди. Кимдир бакирди: „

Хой, эшикни итарманглар”. Эшик очилди. Бир дакикалик тикилинч ва ур-сурдан сўнг, хамма жимгина, хўмрайганча ичкарига интила бошлади, оломон зумда сийраклашди. Одамлар оким олиб кетаётган ёгочдек бино ичига гойиб бўлишар, салкиган шяпа ва жикка хўл бўлган палтодаги совкотган, холдан тойганлар бу нохуш тусдаги бино эшигига ёппасига селдай ёпирилишарди.

Роппа-роса олтида хар бир ўтган-кетганнинг юзидан кечки овкат кутиб турган уйига шошаётганлигини пайкаш мумкин эди.

– Сизда бирон егулик топиладими? – сўради кимдир оппок соколли эшик коровулидан.

– Йўк, факат каравот топилади.

Бугун эшик тагида кутиб турганларнинг барчаси тунаш учун жой топишди.

Рус тилидан Саиджалол Саидмуродов таржимаси